O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 1 июль, № 126 (3925) Шанба






"Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи пойтахтимиздаги йирик саноат мажмуаларидан бири ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, авваллари бу завод ўрнида кичик бир корхона мавжуд бўлиб, у талаб ва эҳтиёжни тўлиқ қондирмас эди.

## Истиқлолдан қувват олган корхона

Бундан ўн йил муқаддам Ўзбекистон ҳукумати билан Япониянинг Ташқи иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси ўртасида имтиёзли кредит битими имзоланди. Шундан сўнг мазкур корхонани замонавийлаштириб, йўловчи вагонларни таъмирлаш заводига айлантириш ишлари бошлаб юборилди. Хусусан, Германия, Япония, Польша, Финляндия каби давлатлардан замонавий ускуналар ва бошқа эҳтиёт қисмлар келтирилди. Айни чоғда эса заводга ўрнатилган ускуналарнинг барчаси юқори технологияларга асосланган ҳолда ишламоқда.

— Завод ишга туширилмасдан аввал вагонлар Россияда таъмирланар эди, — дея гап бошлади ғилдиракларни таъмирлаш цехи бошлиғи Турсунали Обидов, — Ҳар бир вагонни таъмирлаш учун эса 50-70 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланарди. Заводимизда ҳозирча йилига 350 га яқин вагон жорий ва капитал таъмирдан чиқарилмоқда. Корхонамизнинг ишлаб чиқариш қуввати 450 тани ташкил этади. Муҳими, вагонларни таъмирлаш борасида қўшни давлатлардан ҳам буюртмалар тушмоқда. Мисол учун, тожикистонлик темирйўлчиларнинг 150 та вагонини сифатли таъмирлаб бердик.

Шугина эмас, заводда бугунга келиб нафақат йўловчи ташиш вагонларини, балки электропоезд, лаборатория ҳамда техник-хизмат вагонларини ҳам таъмирлаш йўлга қўйилгани кўзланган мақсаднинг тўғрилигидан далолат беради. Дарвоқе, ҳамюртларимиз ҳамда хорижлик меҳмонлар эътиборини қозонган "Тошкент-Самарқанд-Тошкент" йўналишида қатнаётган юқори классли "Регистон" поездининг вагонлари ҳам ушбу корхона маҳсулидир.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

СУРАТЛАРДА: ғилдиракларни таъмирлаш цехи устаси, "Шуҳрат" медали соҳиби Шариф Имомов: завод ҳаётидан лавҳа.

**Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ



### СЕНАТИДА

Парламентнинг юқори палатасида "Оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада либераллаштиришнинг қонунчилик асослари" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Уни Сенатнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ташкил этди.

Давра суҳбати қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2005 йил 25 январда Олий Мажлис иккала палатасининг қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган ОАВни янада ривожлантириш, мамлакатда демократик ўзгаришларни чуқурлаштиришда ОАВнинг ролини ошириш борасидаги вазифаларни муҳокама қилдилар.

Фикр алмашиш жараёнида ОАВни ривожлантиришнинг демократик стандартларини қарор топтиришга йўналтирилган аниқ ва изчил чора-тадбирларни амалга ошириш мамлакатимизда демократик янгиланишни чуқурлаштиришнинг ғоят муҳим шарти эканлиги қайд этиб ўтилди. ОАВ мамлакатимиз ҳаётида ва дунёда юз бераётган ўзгаришлар ҳақидаги оператив ахборотни кенг оммага етказишда, жамоатчилик фикрини шакллантиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Сенаторлар кенг аҳоли қатламлари ОАВдан Ўзбекистонда ва унинг сарҳадларидан ташқарида юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақида холисона ахборот билан бир қаторда, энг аввало ҳокимият ва бошқарув органлари фаолиятини танқидий руҳда баҳолашни, мамлакатимиз ислоҳот ва янгиланиш йўлидан янада муваффақиятли равишда илгарилаб боришига халақит бераётган камчиликларни билимдонлик билан таҳлил қилишни кутаётганлиги ҳақида сўз юритдилар. Шу билан бирга давлатимиз раҳбарининг ОАВ одамлар ўз фикр ва ғояларини, нуқтаи назарини ва юз бераётган ҳодисаларга муносабатини эркин ифодалай оладиган майдонга айланмас экан, демократияни чуқурлаштириш ва аҳолининг сиёсий фаоллиги ҳақида, одамлар мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида чинакамига иштирок этиши ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмаслиги ҳақидаги фикрлари келтирилди.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда ОАВ фаолиятининг ошкораликни ва ахборотдан эркин фойдаланишни кафолатлайдиган ҳуқуқий базаси яратилди ва у такомиллашиб бормоқда. "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги, "Журналистнинг профессионал фаолиятини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги, "Реклама тўғрисида"ги, "Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги қонунлар ушбу ҳуқуқий базанинг энг муҳим таркибий қисмларидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Матбуот ва ахборот соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида"ги, "Мустақил телерадиоэшиттириш каналларини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари ОАВнинг ривожланишига муҳим туртки бўлди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда фақат давлатга қарашли оммавий ахборот воситаларигина эмас, балки мустақил оммавий ахборот воситалари анча кўпайишига ёрдам берди. Мустақил оммавий ахборот воситалари ҳозирги кунда турли аҳоли қатламларининг талабларини қондиришга қаратилгандир. Мамлакатда 750 тага яқин газета ва журнал нашр этилмоқда, 57 та телерадиостанция, 4 та ахборот агентлиги, 100 га яқин электрон ОАВ ишлаб турибди. Ҳозирги кунда турли мулк шаклига мансуб бўлган ОАВда ўз ҳаётини жамоатчилик фикрини шакллантиришга ва аҳолини ахборот билан таъминлашга бағишлаган хизмат кўрсатган ва талантли журналистлар меҳнат қилмоқда.

Масалани муҳокама қилиш жараёнида сенаторлар оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада либераллаштириш, уларга иқтисодий эркинликларни таъминлаб бериш, ОАВ моддий-техника базасини янгилаш ҳамда мустаҳкамлаш, нодавлат электрон ва босма нашрларни ривожлантириш, замонавий рақамли ва компьютер ахборот технологияларини жорий этиш, журналистлар меҳнатини рағбатлантириш, журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг касб маҳоратини ошириш масалалари юзасидан бир қатор тавсияларни илгари сурдилар.

Давра суҳбатида сенаторлар, оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари, бир қатор олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, журналистлар иштирок этдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**



### ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

28-30 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Учинчи ўқишда муҳокамага тақдим этилган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг раиси Х. Дўстмуҳамедов маъруза қилди. Депутатлар барча сиёсий партиялар фракциялари вакилларининг тақдим этилган қонун лойиҳаси ҳақидаги фикрларини эшитиб, киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилдилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н. Исмоилов «Ипотека тўғрисида»ги қонун лойиҳасини учинчи ўқишда тақдим этди. Савол-жавоблар ва киритилган таклифлар батафсил муҳокама қилинганидан кейин депутатлар мазкур Қонунни қабул қилдилар.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси Ш. Абдуллаева учинчи ўқишда кўриб чиқиш учун киритилган «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Ҳужжатнинг муҳокамаси чоғида киритилган таклифлар ва билдирилган мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси мазкур Қонунни қабул қилди.

«Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги қонун лойиҳасини учинчи ўқишда Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси А. Тўхтабоев депутатлар муҳокамасига тақдим этди. Депутатлар савол-жавоблар ва маромига етказилган қонун лойиҳасининг муҳокамасидан кейин Қонунни қабул қилдилар.

«Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси А. Абдуназаров томонидан учинчи ўқишда тақдим этилди. Қонун лойиҳасининг муҳокамасида барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари иштирок этдилар. Киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси мазкур Қонунни қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси А. Тўхташев ахборот берди. Депутатлар ҳужжатнинг барча қоидаларини батафсил кўриб чиқдилар, уни такомиллаштириш бўйича бир қатор таклиф ва мулоҳазаларини баён этиб, мазкур Қонунни қабул қилдилар.

«Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомга, Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини ҳам Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси А. Тўхташев тақдим этди. Савол-жавоблар ва ҳужжатнинг муҳокамасидан кейин Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

«Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси Қ. Тошматов тақдим этди. Депутатлар муҳокамадан кейин қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

«Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг раиси И. Насриев депутатлар муҳокамасига учинчи ўқишда тақдим этди. Мазкур ҳужжатни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва мулоҳазалар ҳисобга олинган ҳолда Қонун қабул қилинди.

## 2 июль — Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун

Ҳар бир давлатнинг ўз байроғи, мадҳияси, Конституцияси, миллий пули бўлади ва улар давлат рамзлари ҳисобланади. Давлат герби ҳам ана шундай муқаддас тимсоллар сирасига киради.



## ФАХРУ ҒУРУРИМИЗ ТИМСОЛИ

Тарихга назар ташласак, герб, яъни тамға қадим-қадимдан муайян мамлакат ёхуд ҳудудда яшайдиган турли миллат ва элатларнинг ўтмиши, орзу-интилишлари, тафаккур тарзи, сиёсий ва ижтимоий ҳаётда амал қилиб яшайдиган ғоялари, ўзига хос табиий ва хўжалик хусусиятларини ифода этганини кўрамиз. Давлат ишларини юритиш ҳамда халқаро муносабатларни амалга оширишда қўлланиладиган муҳрларга, пулларга, совут ва қурол-яроқларга герб тасвири туширилган.

"Герб" сўзи немисча "ҳербо" сўзидан олинган бўлиб, шоҳлар ва ҳукмдорларга давлат, сарҳад, ҳудуд ва бошқа наслдан-наслга мерос қолувчи мулк белгисини англатади.

Буюк бобокалонимиз, Соҳибқирон Амир Темур давлатининг ҳам герби бўлган. Улуғ бобомизнинг шавкатли аскарлари жангу жадалларга туғ ва тамғасини баланд кўтарган ҳолда кириб борган. Бу эса қўшинга улкан зафарларни қўлга киритишда бемисл руҳий мадад, куч-қувват бўлиб хизмат қилган.

Истиқлол шарофати билан мустақил юртимиз бошқа рамзлари каби Давлат гербига ҳам эга бўлди. 1992 йил 2 июлда "Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида"ги қонун эълон қилинди ва Давлат герби тасдиқланди.

Давлатимиз гербида гуллаган водий узра нур сочаётган қуёш тасвирланган. Бу заминимизнинг серқуёшлигига, нурли-нурафшон манзиллигига ишора. Баланд тоғлараро шовуллаб оқаётган дарёлар – ҳаёт боқийлиги рамзи бўлса, гербнинг сўл томонидаги буғдой тасвири ризқ-рўзимиз бутунлигидан, ўнг томонидаги пахта сурати туширилган чамбар юртдошларимиз қалби, нияти поклигидан, беқиёс миллий бойликларимиздан далолат. Гербнинг юқори қисмида мамлакатимиз жипслигининг рамзи сифатида саккиз қиррали юлдуз тасвирланган. Мазкур мусамман ичида жойлашган ярим ой ва юлдуз халқимизнинг имон-эътиқодига хос қутлуғ рамзлардир.

Гербимиз марказида эса ҳиммат, олижаноблик тимсоли бўлган афсонавий Ҳумо қушининг қанотларини ёзиб парвозга шайланиб тургани ифодаланган. Бу ҳам халқимизга хос эзгу орзу-умидлар ифодасидир. Зеро, элимиз Ҳумони азал-азалдан бахт ва давлат қуши сифатида тасаввур этиб келган. Тамғамиздаги ушбу рамз ва тимсоллар халқимизнинг тинчлик, эзгулик, бахт-саодат, тўкинчилик, фаровонлик йўлидаги орзу-умидларини ўзида намоён этади. Гербнинг пастки қисмидаги республика Давлат байроғини ифодаловчи чамбар бандига зарҳал ҳарфлар билан "Ўзбекистон" сўзи битилган.

Президентимиз Ислом Каримов таърифлаганидек, давлатимиз рамзлари — байроқ, герб, мадҳия, Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради, мана шу рамзларни эъзозлаш ўзининг, ўз мамлакатининг қадр-қимматини билган ҳар қайси инсоннинг муқаддас бурчидир.

"Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ги қонунда белгиланганидек, Давлат герби Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, ҳокимликлар, қўмиталар, ташкилотлар, давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари бинолари, чет эллардаги мамлакатимиз дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг пештоқида ўрнатилган. Республикамиз давлат чегараларида барпо этилган улкан дарвозалардаги Давлат герби барчамизга ғурур-ифтихор бағишлайди. Ватан остонасидаги юрт тамғасини кўриб, беихтиёр қалбимиз энтикади, муқаддас заминимизга бўлган меҳр-муҳаббатимиз янада ошади.

Давлат герби тасвири ҳар биримизнинг мана шу саховатли замин фарзанди, ушбу озод юрт фуқароси эканимиз-

(Давоми 2-бетда).

## ЮРИДИК ФАНЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

***Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида «Юридик фанларни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари» мавзуида илмий-амалий конференция бўлди.***

**Анжуман**

Миллий юридик фанларни янада ривожлантиришнинг комплекс вазифалари ҳамда ушбу соҳадаги илмий-тадқиқотларнинг истиқболларини муҳокама этиш, шу билан бирга, юриспруденция энг долзарб муаммоларининг ечимини топиш мазкур тадбирнинг асосий мақсади қилиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича Кенгаш ташкил этган конференцияда маърузачилар юридик фанларни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари ва ташкилий-амалий масалалари тўғрисида сўз юритдилар.

Шунингдек, анжуман қатнашчилари мазкур масалаларни ялпи мажлисларда ҳамда давлат-ҳуқуқий, фуқаролик-ҳуқуқий, жиноят-ҳуқуқий ва халқаро-ҳуқуқий фанларни ривожлантириш муаммолари бўйича шўъбаларда муҳокама этдилар. Бу борадаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Анжуман якунида илмий-тадқиқот жараёни мувофиқлашувини такомиллаштириш, юридик фанларнинг устувор йўналишлари бўйича тадқиқот ишларининг самарадорлигини ошириш, хорижий мамлакатлар юридик таълимининг илғор тажрибасини ўрганиш, айниқса, ёш ҳуқуқшунос олимларни тайёрлашга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Солим ДОНИЁРОВ.**

